БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Яшасин меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни–1 Май!



Рассом Олимжон Холиқов чизган плакат.

Тошкент меҳнаткашларининг 1987 йил 1 Май намойишидан лавҳалар.
Т. Каримов фотолари.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 101 (6. 292) 1987 йил 1 май, жума Баҳоси 3 тийин

ТОШКЕНТ, 1987 ЙИЛ 1 МАЙ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МАЙДОНДАН РЕПОРТАЖ

Бутун дунё меҳнаткашларининг, прогрессив инсониятнинг энг қутлуғ байрами — 1 Май ер курраси узра қанот қоқмоқда. Жаҳоннинг бирон бир бурчаги йўқки, у эъзозланмаса, ҳар бир каттаю-кичикнинг қувончига-қувонч қўшмаса.

Бугунги кунда жаҳоннинг барча қитъаларида «Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик, Бахт-саодат» сўзлари баралла янграмоқда. Бутун инсониятнинг эзгу орзу-ўйлари, уларнинг мақсад ва интилишлари ана шу сўзларда мужассамдир. Ҳақиқатан ҳам бундай ўйлаб қараганда энг оддий инсон ҳаётини тинчликсиз, меҳнатсиз, эркин-ҳур даврсиз, тенгликсиз, қардошликсиз ва бахт-саодатсиз мутлақо тасаввур қилиш мумкин эмас. Яна шунисн ҳам борки, бу олти сўз— олти тушунчанинг ҳаммаси бир-бири билан узвий боғлиқ. Бирини иккинчисисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Масалан, тинчликсиз меҳнатни, озодликсиз тенгликни, қардошликсиз бахт-саодатни тасаввур этиб бўлмайди.

Бепоён мамлакатимизда, шу жумладан, серқуёш диёримиз ва унинг пойтахти — Тошкентда 1 Майни миллионлаб меҳнат аҳли, барча ёшдаги кишилар зўр тантана ва шодиёна байрам қилмоқдалар. Янгидан-янги меҳнат рапортлари ана шу байрамга аталмоқда. Байрам айёмида ўз меҳнат постида ишини давом эттираётган фазокорлар, азамат ишчи-хизматчилар, учувчилару, машинистлар, ер ости қасри шунқорларию, қўли гул бунёдкорлар — қўйингчи турли касбдаги меҳнатсеварлар ғайратига ва шижоатига минг бор тасаннолар айтамиз. Ҳа, Тошкент бош майдони, проспект ва кўчаларн, боғ-роғларн ва ҳиёбонлари — ҳамма-ҳаммаси 1 Майни тараннум этувчи куй ва қўшиқлар, шўх рақслар, қувноқ кулгулар оғушида.

Эрталаб соат 10. В. И. Ленин номли майдонда қизил байроқлар ва ранг-баранг алвонлар баҳор шабадасида ҳилпираб турибди. Партиямиз XXVII съездн ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини совет халқи изчил амалга оширишга азму-қарор қилганлигини акс эттирувчи шиорлар кўзга яққол ташланиб турибди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, республика партия ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари ҳукумат минбарига кўтарилдилар.

Музика садолари янграйди. Майдонга ранг-баранг байроқлар кўтарган спортчилар кириб келадилар. Тошкент шаҳри меҳнаткашлари вакилларининг 1 Май намойиши тантанавор руҳда бошланди.

Эл-юрт олқишига сазовор бўлган, ўз касбининг энг моҳир усталари, бир сўз билан айтганда халқ фарзандлари очиқ чеҳра, бахт сурурн, қалбда ғурур, байрам нашидаси билан бош майдондан ўтдилар. Улар орасида қурувчи ва самолётсоз ҳам, партия ветерани ва студент ҳам, кўп болали она ва олимлар ҳам— турли ёшдаги ва касбдаги турли миллат вакиллари бор.

Қуйида биз «Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик, Бахт-саодат»нн тараннум этувчи — Тошкентда меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Май намойиши қатнашчиларининг дил сўзларнн беряпмиз. Қолаверса, газетамизнинг бу байрам сони шуни тараннум этишга бағишланган.

А. И. Бесчетнова,
Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводи электр аппаратлари цехининг партия ташкилоти секретари.

— Бу йилги 1 Май Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллиги юбилейи йилида нишонланмоқда. 1 Май ва Октябрь нақадар бир-бири билан боғлиқ қондош ва жондош сўзлар. Биз бугун Октябрь берган энг катта бахт — меҳнат, бунёдкорлик, яратиш завқини тотяпмиз.

Бизнинг корхонамиздан ҳам бугун намойишдан юзлаб ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ғалаба рапортлари билан ўтдилар. Меҳнат ғурури, унинг нашидаси гулгун чеҳраларда, колонналар узра баланд кўтарилган қизил байроқларда, шодиёна куй ва қўшиқларда баралла балқиб турди.

Н. Усмонова,
Касаначилик фабрикаси тикувчиси, Қаҳрамон она.

— Мен Ленин номли майдонда меҳнаткашларнинг умумий намойишида ўзгача ифтихор билан қатнашдим. Акмал Икромов районидаги 2600 Қаҳрамон оналарнинг бири бўлганлигим билан фахрланаман. Турмуш ўртоғим чинни заводи ишчиси Мирза Маҳкамов билан етти ўғил, етти қизни тарбиялаб вояга етказяпмиз. Афғонистонда ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган Тоҳирдан байрам қутловини олиб қувондик. У интернационал бурчини адо этмоқда. Менинг хонадонимда ҳам байрамда қувончли воқеалар юз беради. Гўзал университетни битириб ўқитувчилик қила бошлади, Дилдора ва Баҳодир ҳам политехника институтини битирмоқда. Баҳодир ва Ботир Совет Армияси сафларида ҳарбий хизмат бурчини адо этиб бағримизга қайтишди.

С. П. Вашченко,
11-«Висотстрой» трести комплекс бригадасининг бошлиғи.

— Тошкентни Дўстлик, Қардошлик, Бирodарлик, Бахт-саодат шаҳри дейишади. Бунга қўшимча қилиб мен яна Тошкентни Бунёдкор шаҳар дегим келади. Бизнинг «Висотстрой» тростимиз қурувчилари қатнашмаган шаҳарда биронта ҳам йирик объект йўқ десак, муболаға қилмаган бўламиз. Шу байрам айёмида шаҳар кўчаларидан мағрур ўтиб бораркамиз, булар бош майдондан тортиб энг чекка массивлари — Қўйлиқ, Юнусобод, Қорақамишнигина эмас, балки бутун шаҳримиз фахри, ўзига хос архитектура безаги ҳисобланади.

А. А. Қист,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ядро физикаси институти директорининг ўринбосари, профессор.

— Олимнинг меҳнатини игна билан қудуқ қазишга ўхшатишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бу соҳанинг заҳматкашлари амалга ошираётган ишлар мисли кўрилмаган даражада буюк ва бебаҳодир. Агар бир лаҳза бутун дунё олимларининг амалга ошираётган ишларига назар ташласак, фазони забт этишдан тортиб микроприборларгача ер юзида инсонлар бахти учун қилинаётганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Олимлар ер юзида тенглик, қардошлик учун курашмоқдалар. Фан-техника мўъжизалари бутун инсониятнинг бахти ва келажагига хизмат қилаверсин.

З. Муҳаммаджонов,
Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театрининг артисти, СССР халқ артисти.

— Бугун совет кишиларининг қувончи бир олам. Ҳаммамиз бундай қутлуғ кунда доҳий ғояларининг қанчалик ҳадсиз тантана қилганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Пролетариат доҳийси Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Тинчлик ҳақидаги декретни имзолаган эди.

Театримиз коллективи 40-йиллардан буён Ленин образини яратишга мурожаат этиб келмоқда. «Милтиқли киши», «Учқундан аланга», «Кураш йиллари», «Йўлчи юлдуз», «Инқилоб тонги», «Тарих тилга кирди», «6 июль», «Қизил яйловдаги кўк тулпорлар» каби спектаклда доҳий В. И. Ленин образини яратганлигим билан фахрланаман.

Ш. Қ. Пўлатова,
ТошДУ студенти, ВЛКСМ XX съезди делегати.

— Ҳар бир кунимиз шонли воқеаларга тўла. Яқиндагина бўлиб ўтган Ленин комсомолининг съездидан қайтиб келишим биланоқ районимиз корхоналари, ўқув масканларида бўлаётган учрашувларда съезд таассуротлари билан ўртоқлашмоқдаман. Михаил Сергеевич Горбачев бизнинг анжуманда сўзлаган нутқида совет ёшлари олдига ғоят катта дадил вазифалар қўйди.

Мамлакатимиз ҳаётида қайта қуриш, жадаллаштириш бошланган бир пайтда бизнинг университетимизда таълим олаётган 10 мингдан зиёд йигит ва қизнинг олдида турган энг долзарб вазифалар фан чўққиларини чуқур эгаллаш,

А. Б. Газизов,
«Главташкентстрой» Пардозлаш трести 11-қурилиш бошқармасининг бўёқчилар бригадаси бошлиғи.

— Трестимиз бинокорлари Ленин номли майдондан шаҳдам одимлар билан ўтдилар. Чунки биз бинокорлар бу ерда партиямиз, халққа бажарган ишларимиз ҳақида рапорт бергандек бўлдик. Мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида қайта қуриш ишлари омилкорлик билан олиб борилмоқда. Бу борада биз қурувчилар ҳам ўз ишимизда тубдан бурилишлар ясаб, ишимизни жадаллаштиряпмиз, пардозлаш ишларини талаб даражасида бажаришга эришяпмиз.

Ана шунинг учун ҳам бу қутлуғ айём арафасида шаҳримизда кўплаб уйлар муддатидан илгари фойдаланишга топширилди. Қўйлиқ—5 массивида, Оҳангарон шоссесида тўққиз қаватли ётоқхоналар, Слоним кўчасида иккита уй-жой, Ипподромная-Гайдар кўчаларида яна бир ётоқхона, Грозний кўчасида уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди.

А. С. Те,
243-граждан авиацияси ремонт заводининг 1-цехи мастери.

— Сергели Тошкентимизнинг навқирон маскани. Унда ўзбек, рус, қозоқ, туркман, украин, татар, корейс миллатининг вакиллари яшаб меҳнат қилмоқдалар. Районимиз йил сайин қулоч ёзиб тараққий этишида ана шу миллат кишиларининг чинакам қардошларча иноқлиги, дўстлиги қудратли куч бўлмоқда. Мен Ленин майдонидан ўтиб бораётганимда ана шу қардошларимнинг тимсолида районимизнинг равнақини кўриб турибман.

Мен меҳнат қилаётган корхонам ва райондаги «Узвторцветмет», «Комфорт» ва Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмалари байрам арафасида барча кўрсаткичлар бўйича тўрт ойлик топшириқни бажариб бўлишди. Яна бир қувончли гап. Шу йилнинг биринчи кварталн учун уй-жой бинолари қуриш плани бажарилди.

Районимиз колоннасида келаётган кишилар орасида ана шу янги биноларга кўчиб ўтган кўплаб оилаларнинг вакиллари борлигидан мен ҳам қувондим.

У. Маҳмудов,
В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиацня ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригада бошлиғи.

— Бизнинг Ҳамза районини саноатчилар райони деб аташади. Минг-минглаб ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётган бизнинг бирлашмамиз, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи ва бошқа корхоналар зарбдорлари тинчлик йўлида фаол тер тўкмоқдалар.

Лоақал ўзимизнинг бирлашмамизни олиб кўрайлик. Биз яратаётган самолётлар тинчлик, халқ хўжалиги учун хизмат қилаётганидан ҳеч қачон ҳеч қандай ҳурсандмиз. Мана қирқ икки йилдирки, бепоён мамлакатимиз осмони мусаффо, беғубор. Самолётларимиз кишиларни узоқ командировкаларга, курортлар ва дам олиш уйларига, катта бунёдкорлик майдонларига, ўлкамизнинг юзлаб қурувчиларини ноқоратупроқ зона ва Тюменга, БАМ ва коммунистик бунёдкорликнинг олдинги марраларига элтиб қўймоқда. Бугун намойишдан ўтар экансан ана шулар ҳақида ўйладим.

А. И. Зайцев,
Чилонзор район партия ветеранлари советининг раиси.

— Ветеранларни бизда ғоятда эъзозлашади. Партия XXVII съездида ҳам ветеранлар тажрибасига, билимига ва ғайрат-шижоатига муносиб баҳо берилди. Пойтахтимизнинг бош майдони томон шаҳдам одим ташлаб келаётган меҳнаткашлар колонналари ичида кўплаб ветеранларни учратдим. Уларнинг юзларида табассум, ўз тақдирларидан мамнунлар. Чунки улар ўз тақдирларини ўзлари яратганлар. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бугунги бахтли кунларимиз учун мардонавор курашганлар.

Майдон узра ветеранлар шаънига ҳам қўпгина илиқ сўз янгради. «Партия, уруш ва меҳнат ветеранлари! Бундан буён ҳам коммунизм буюк идеаллари учун фаол курашчилар сафида бўлингиз!» деган сўзлар ҳамон қулоқларим тагида жаранглаб турибди.

Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик, Бахт-саодат... Тошкент меҳнаткашларн вакилларининг 1 Май намойшн ана шу шиор остида ўтдн.

У меҳнат — бунёдкорлик, яратувчилик рамзига айланди. Бунн бош майдондан яхши кайфият билан саф-саф бўлиб ўтган намойишчиларнинг байрам колонналарн, 1 Майга берилган рапортлар ҳам яққол кўрсатди.

У Озодлик, Тенглик, Қардошлик байрамига айланди. Бунн намойнш қатнашчиларининг юксак сиёсий ва меҳнат активлиги, байрам шарафига янграган чақириқлар, парадлар хиёбонида пайдо бўлган ранг-баранг шиорлар, транспарантлар, қувноқ ва шодиёна чеҳралар яққол кўрсатиб турибди.

У ҳақиқий Бахт-саодат байрамига айланди. Пойтахтимизнинг минг-минглаб меҳнаткашларн Улуғ Октябрь берган бахт-саодат нашидасини сурмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, В. И. Ленин номидаги майдонда умумхалқ шодиёнаси ўзининг ёрқин ифодасини топдн. У СССР халқларн ва элатларининг дўстлиги ва қардошлигини яна бир бор ёрқин намоён этди.

Репортажни «Тошкент оқшоми» махсус мухбирлари Ҳ. ИКРОМОВ, А. ПЎЛАТОВ тайёрлашди.

ТЕАТР ЭШИКЛАРИНИ ОЧДИ

Газетанинг шу сонига репортаж

Шаҳримиз ёш томошабинлари 1 Май арафасида ажойиб совға олдилар: «Ҳурмат белгиси» орденли Тошкент давлат рус ёш томошабинлар театри реконструкциядан сўнг кеча ўз эшикларини очди.

...Тантанали музика садолари остида залга дастлабки томошабинлар кириб келишади. Уларнинг орасида театр реконструкциясида бевосита иштирок этганлар, қисқа муддатларда бино ичида мураккаб монтаж ва пардозлаш ишларини олиб борганлар ҳам бор.

Энг сўнгги замонавий талаблар ҳисобга олиниб сайқал берилган фойе, томоша залн, саҳна кўзни қувонтиради. Ҳозир томошабинлар ўз ўринларини эгаллаётган юмшоқ, қулай креслолар батартиб жойлаштирилган.

.Тантанали қисмни театр партия ташкилотининг секретари Л. В. Федорова очадн. У Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатинга сўз беради.

Агар чин қалбдан ёндашилса, тафаккур ва ижодий шижоат бағишланса ҳар қандай меҳнатни чинакам санъатга айлантириш мумкин, деб таъкидлади у. Ўзбекистон ССР «Госкомводстрой»нинг «Промгражданстрой» трести, СССР Маданият министрлигининг «Союзкультстроймонтаж» трести ва бошқа ташкилотлар буни амалда исботладилар.

Ўзбекистон ССР маданият министри М. А. Аҳмедова алоҳида ўрнак кўрсатган қурувчилар Маданият министрлиги, маданият ходимлари касаба союзи республика комитети ва Ўзбекистон Театр арбобларн союзининг ёрлиқлари билан мукофотланганлигини эълон қилади. Қурувчилар шаънига чуқур миннатдорчилик рамзи сифатида томошабинларнинг олқишлари янграйди.

Ёш томошабинлар театри артистларини М. Горький номидаги, «Ёш гвардия», ўзбек ёш томошабинлар театридаги ҳамкасблари қизғин табриклайдилар. А. Володиннинг пьесаси бўйича саҳналаштирилган «Калтакесак» спектакли эса театрнинг таъмирланган биноларн дастлабки спектакли бўлди.

Театрнинг тантаналн очилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетн секретарн В. Н. Лобко, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетн маданият бўлимн мудирн Д. Т. Мадикаримова, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретарн А. В. Гончарова, Ўзбекистон Театр арбоблари союзи правленнесининг раиси СССР халқ артисти Б. Р. Қорнева, Ўзбекистон ССР «Госкомводстрой»н ва унинг қурилиш ташкилотлари раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

ТИНЧЛИК

Ғафур ҒУЛОМ



Жаҳонда энг улуғ устод,
соҳибкор —
Боғбонининг таълими
билан ўсган боғ;
Шу боғ ўртасида
нур ижодкори
Ўзи ёқиб берган
қуёшдай чароғ —
Ўчмагай!
То қуёш ўчмагунича.

Инсонлар орзуси —
яшасин тинчлик!
Пўлат ғишт қўйилган
азим қўрғондай,
Кишилик бахтига
Советлар юрти
Темир бетонлардан
метин қалқондай,
Кўчмагай!
Коинот кўчмагунича.

... Кишилар долларин
семиртирай деб,
Қирилиб битишни
истамайдилар,
Капитал амри-ла
янги урушнинг
Даштида йиғишни
истамайдилар,
Омонлик истайди
ҳар озод одам.



Нурафшон йўлдан

Биз Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида янги ҳаёт учун курашнинг суронли даврларн гувоҳи бўлганмиз.

Ёшлигимда бойлар эшигида қароллик қилганман. Кейинчалик эса темир йўл, пахта заводи ишчилари билан жонли мулоқотлар аста-секин менда синфий онгимнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Камбағаллар комитети ва қишлоқ Шўросида ишлаган кезларимда янги ҳаёт учун астойдил жонбозлик кўрсатдим.

Кўпгина ишларда фаол меҳнат қилиб келдим. Энди буларнинг ҳаммаси хотира бўлиб қолди. Шу бахтли кунларда — бутун прогрессив инсоният 1 Майни нишонлаётган кезларда ўша кунларни хаёлдан бирма-бир ўтказаман. Бугина эмас, саноат корхоналарида, қурилиш майдонларида, олий ўқув юртларида, ўрта махсус ўқув юртларида, билим юртлари ва мактабларда ёш авлодга Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида унн янада мустаҳкамлаш учун олиб борилган қизғин курашлар ҳақида ҳикоя қилиб бераман.

Партия ва ҳукуматимиз ҳар бир даврда янгидан-янги вазифаларни қўйяпти. Уларни изчил амалга ошириш учун бутун меҳнат аҳлини сафарбар этаяпти. Ҳаёт илгари сураётган вазифаларни ўз вақтида адо этиш, партия қарорларини рўёбга чиқариш учун фаоллик кўрсатиш, бу нишга иложи борича кўпроқ ҳисса қўшиш биз, ветеранларга хос энг муҳим хусусият бўлиб келган эди. Мен ёшларга кўпроқ ана шулар ҳақида сўзлаб бераяпман. Шу билан фахрланаманки, фақат мамлакатимиздагина эмас, балки шаҳримизда ҳам ўзининг бутун умрини, қалб қўрини катта бунёдкорлик ишларига бағишлаган ветеранлар, коммунистлар оз эмас.

Партия XXVII съездида ветеранларга яна бир бор жуда катта ҳурмат, эътибор кўрсатилди. Улар ўзларининг тўплаган бой тажрибаларини коммунистик бунёдкорлик ишига бағишлашлари, ёшларни тарбиялашга катта ҳисса қўшишлари зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳақиқатдан ҳам ветеранлар ана шу иззат-ҳурматга яраша бугунги кунда фаол иш олиб бормоқдалар. Лоақал, шаҳримиз ветеранларини олиб кўрсак, мингдан зиёд ветеран-коммунистларнинг жойларда фаол иш олиб бораётганининг гувоҳи бўламиз. Партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленумн қарорларини изчил амалга ошириш ишига муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги тобора яқинлашиб келмоқда. Мана шундай улуғ айём арафаларида большевизмнинг қаҳрамонона анъаналари, ленинчи-революционерлар фаолияти, социалистик қурилишнинг дастлабки одимлари, ҳозирги қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида партия ва мамлакат турмушида ленинча революцион руҳ тобора чуқур қарор топаётгани ҳақида ёшларга ҳикоя қилиб бериш бизнинг бурчимиздир.

И. БОБОЖОНОВ,
1920 йилдан КПСС аъзоси.

«Алло, байрамингиз муборак!»

Кетма-кет жиринглаган телефон Солижонни ташвишга солди. Байрам либосига бурканган шаҳар кўчаларидан бугун у ҳамма транспортнинг бенуқсон қатнашини истаганди. Бу унинг хизматдан ўзини четга олганлигида эмас, балки йўловчилар манзилини яқин қилишда мунтазамлиликни таъминлашни кўзлаганидан эди. Аммо Солижон трубкани кўтарганида сим қўнғироқдан бошқача руҳдаги овоз янгради.

— Байрамингиз билан, устоз!

Солижон ўзига таниш овоздан енгил тортди. Шогирди Анатолий Дёмин меҳнат отпускасида бўлса ҳам байрам арафасида устозини йўқлашни унутмабди. Бундан бригада бошлиғининг қалби қувончга тўлди. Вужудини ширин ҳислар эгаллади.

Телефондаги қисқа суҳбатдан сўнг Солижоннинг хаёлида шогирдлари гавдаланди. Қирқ икки йиллик меҳнати сингган қадрдон коллективидаги ўттиздан зиёд ремонтчи-слесарларда ишга кўникма ҳосил қилишда куч-ғайратини аямабди. Улар ҳозир шаҳар трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бошқарма ишчиларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейи шарафига авж олдирган социалистик мусобақасида фаол иштирок этишаяпти. Натижада мавжуд техника кучидан тўла фойдаланилмоқда. Солижоннинг қўлида камол топган Рустам Жалилов, Анатолий Дёмин, Бобур Аҳмедов сингари ўнлаб ремонтчи-слесарларнинг ўзлари бугун мураббий. Ёшларга улар устозларидек меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш фазилатларини ўргатиб боришяпти.

Ўз бахтини меҳнатдан топган, эл-юрт эъзозига мушарраф бўлган Солижон Дадабоевни биз трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг аварияни қайта тиклаш хизмати диспетчерлик пунктида учратдик. Бригада бошлиғи билан суҳбатимиз ниҳоясига етай деб қолганда телефон яна бирдан жиринглаб қолди. Солижон трубкани вазминлик билан кўтарди.

— Навбатчи эшитади.

Телефондан трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси хизматчисининг қўнғироқдек овози эшитилди:

— Солижон, байрамингиз муборак!

Ф. АБДУРАҲИМОВ,
кўп нусхали «Мотор» газетасининг редактори.

Фахр туйғуси

Яшиллик, кўркамлик фасли — Баҳор ўзининг бетакрор тароватн билан ўлкамиз кўркига-кўрк, файз қўшмоқда. Бутун борлиқ яшил либосга бурканган. Ўлкамизда, шаҳримизда, корхоналарда, хонадонларда, қалбларда Баҳор. Гўзаллик, яшиллик фаслида улуғ айём — бутун дунё меҳнаткашларининг Халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрамнинг нишонланиши ҳам ўзгача шукуҳ бағишлайди. Бу қутлуғ айёмда барча прогрессив инсоният ер юзида Тинчлик, Бирдамлик, Биродарлик тантана қилиши учун намойишга чиқадилар. Бутун рўйи заминга ядро фалокати соя ташлаб турган айни пайтда халқаро бирдамлик тантанаси улкан аҳамиятга эгадир. Дунёдаги барча тинчликсевар кишилар она заминининг омон қолиши учун ҳамжиҳатлик билан ўз хоҳиш-иродаларини намойиш этмоқдалар. Шу боисдан ҳам эзгулик, халқаро бирдамликни ўзида мужассам этган 1 Май дунё халқларининг улкан байрамидир.

Мен меҳнат қилаётган Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бу қутлуғ айёмни муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олди. Бригадамиз эса 27 апрель куни белгиланган ойлик план-топшириқни ортиғи билан адо этиб, 1 Май байрамига ёруғ юз билан келдилар.

Улуғ айём арафасида Ўзбекистон хотин-қизларининг V съездида коллективимиз меҳнатчиларининг вакили сифатида қатнашганимдан, ҳуррият ва эрк учун ўз жонларини фидо этган аёлларимизнинг ишини давом эттираётганимиздан, уларнинг асрий орзуларини рўёбга чиқараётганимиздан беҳад фахрланаман. Бригадамизда беш миллат вакиллари бир онла фарзандларидек қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар. Тинчлик, Меҳнат, Бирдамлик, Биродарлик байрами айёмида сайёрамиз осмони доимо мусаффо, рўйи заминда тинчлик ҳамиша барқарор бўлсин дейман.

Ф. ПОЛТАЕВА,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичиқчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советн депутати.

Фаровонлик тимсоли

Ер куррасидаги мамлакатларнинг барча тинчликсевар, тараққийпарвар кишилари бугун меҳнаткашларнинг Халқаро Бирдамлик куни — 1 Май байрамнн нишонламоқда. Улар она заминда тинчлик барқарор бўлиши, жаҳон халқлари дўстлиги мустаҳкамланиши учун ўзларининг хоҳиш-иродаларини яна бир бор намойиш этмоқдалар. Фаровон турмушимизга ядро хавфи таҳлика солиб турган айни чоғда бу бирлик, якдиллик — 1 Май шу қутлуғ айём тимсолида ўз ифодасини топгандир. Биз бугун ҳамкасбларимиз билан республикамиз пойтахти меҳнаткашлари сафида муаззам Тошкентимизнинг маркази — доҳий Ленин майдонидан ўтдик. Бу майдондан ўтар экансан, кишиларимиз чеҳрасида ҳаётдан мамнунлик, кўзларида чексиз қувончни кўрдим. Шу лаҳзада бутун дунё халқлари чеҳрасида ҳам ана шу қувонч балқиса, деган хаёлга борасан бехтиёр. Минг афсуски, капитализм маддоҳлари шу бахтиёрлик йўлидаги эзгу интилишларга раҳна солмоқда. Биринчи Май намойиши ана шу ёвуз ниятларга зарба берувчи Тинчлик, Бирдамлик, Биродарлик, Меҳнат байрамидир.

Мен меҳнат қилаётган «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнатчилари ҳам бу қутлуғ байрамни муносиб меҳнат армуғонлари билан қарши олдилар. Бирлашмамиз буюртмаларни муддатида етказиб бериш ташаббуси билан чиққан эди. Айни пайтда ваъдамизнинг устидан чиқмоқдамиз. Бу йил мамлакатимиз меҳнаткашлари Улуғ Октябрь ғалабасининг 70 йиллигини нишонлайдилар. Бу шонли санани икки ярим йиллик план-топшириқни бажариш билан кутиб олиш учун астойдил ғайрат қиляпман.

Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик кунида бутун дунёда Тинчлик барқарор бўлсин дейман. Зеро, Тинчлик — дўстлигимиз мустаҳкам, турмушимиз фаровон, халқимиз фаровонда яшайди, демакдир.

В. БОЧКОВ,
«Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

Қурувчилар совғаси

«Главташкентстрой»нинг 159-трести 70-қурилиш бошқармасининг Талгат Калимулин бошчилигидаги комплекс коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари 1 Май байрамини муносиб совғалар билан кутиб олишди.

Биринчи квартал якуни бўйича социалистик мусобақа ғолиби бўлган коллектив шу кунларда Оқтепа массивида 550 кичкинтойга мўлжалланган болалар боғчаси қурилишини жадал суръатларда олиб бормоқда. Бригаданинг Д. Главчев, В. Бронников сингари монтажчилари кунлик смена топшириқларини бир ярим-икки ҳисса ортиғи билан адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти. Бригада пудрати усулида меҳнат қилаётган коллектив байрам арафасида объектда умумий қурилиш ишларини ниҳоясига етказиб, ойлик топшириқни 120 процент адо этди.

М. ФЕЛЬДМАН,
«Узоргтехдорстрой» трести бош метрологи.

МЕҲНАТ





Эркин ВОҲИДОВ

Танингда камтарин аъзо
Бу қўллардир, бу қўллардир,
Мудом меҳнат учун пайдо
Бу қўллардир, бу қўллардир.
Жаҳонда тоқи бунёдсен,
Ким номи одамизодсен,
Юракдек тинмаган асло
Бу қўллардир, бу қўллардир.
...Омон» деб саф чекиб
ўтган,
Тугиқ муштни баланд тутган
Бу Осиё, Бу Оврупо,
Бу қўллардир, бу қўллардир.
...Тутибдир игна жонона,
Бўлибдур шеър сўзона.
Узи олтин, иши тилло
Бу қўллардир, бу қўллардир.
...Салом офтоб, салом дунё,
Салом шеърим, сенн таңҳо
Юракмас айлаган иншо
Бу қўллардир, бу қўллардир.

Бир оила фарзандларидек

Халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик, алоқани мустаҳкамлашга заводимиз ишчи-хизматчилари ҳам ўз улушларини қўшмоқдалар. Ҳозир завод маҳсулотини мамлакатимиз турли бурчакларида учратиш мумкин. Ботқоқлик, қумли, қорли зоналарда фойдаланишга мўлжалланган экскаваторларимиз Болтиқбўйи республикаларида, Ноқоратупроқ зоналарида, айниқса, кўл келмоқда. Чет эллик меҳнаткашларга ҳам машиналаримиз ёқиб қолган. Венгрия, Чехословакия, ГДР, Куба, Афғонистон, Лотин Америкаси мамлакатлари, Африкада ва бошқа жойларда Тошкент экскаватор заводи маҳсулотлари машҳур. Вакилларимиз улар ҳузурида бўлиб, тажрибаларини ўртоқлашадилар. Техникамиздан унумли фойдаланишлари учун зарур ёрдамларини аямайдилар. Ҳар қайси мамлакатда ишлаётган вакилларимиз юзага келган саволлар ва талабларни ўз жойларида қондирадилар. Шу боис бўлса керак, экскаваторларимизга талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Йил охиригача биз социалистик мамлакатларга 93 та такомиллашган «ЭО-3211» маркали экскаваторларни етказиб берамиз.

Коллективимиз йилдан-йилга техника чиқаришни кўпайтирмоқда. Айниқса, асосий эътибор маҳсулот сифатига қаратилмоқда. Ҳозирги кунда цехимизда 1700 нафар ишчи, инженер-техник унумли меҳнат қилмоқда. Шундан 251 нафари коммунист. Улар 23 миллатнинг фарзандларидир. Турли миллат вакиллари бўлишига қарамай барчаси аҳил, иноқ. Гўё бир оила аъзолари, ака-ука, опа-сингилдек, барча ишни бамаслаҳат амалга оширадилар.

Корхонамиз Иттифоқимизнинг Андропов, Калинин шаҳарлари машинасозлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлар. Улар бизга мотор ҳамда баъзи детталларни мунтазам етказиб берадилар. Умуман меҳнаткашларимиз йил охиригача 1550 та татакомиллашган «ЭО-3211» маркали кўп касбли экскаваторларни мелиораторларга тақдим этиш социалистик мажбурияти қабул қилганлар.

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан руҳланган меҳнаткашларимиз иш суръатини тобора оширмоқдалар. Азаматларимиз 1 кварталнинг ҳар бир ойида 125—130 тадан машинани буюртмачилар ихтиёрига жўнатдилар. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик кунига пландан ташқари бир нечта кўп экскаватор ишлаб чиқардилар.

Улар партиямиз XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, янги моделдаги экскаваторни чиқаришга тайёргарликни бошлаб юбордилар.

А. УМАРОВ,
Тошкент экскаватор заводи партия комитетининг секретари.

Дастлабки маёвкалар

Бутун дунё ишчилар ҳаракати 1986 йилда халқаро бирдамлик куни — 1 Майнинг 100 йиллигини нишонладилар. Бу ҳаракат 1886 йил 1 Майда Американинг Чикаго шаҳрида ишчиларнинг 8 соатлик иш кунини талаб қилиб, умумий иш ташлаши билан бошланган эди. Ана шу йилдан бошлаб, дунёнинг ҳамма чеккасида 1 Майни ишчилар синфи маёвкалар ташкил қилиш билан нишонлай бошладилар.

Тошкентда ишчилар ҳаракати пролетариатнинг ёшлиги ҳамда камсонлиги сабабли мамлакатнинг саноат районларига қараганда кечроқ бошланган. Шу даврга келиб, кўпсонли ишчилар синфи самодержавие ва капитализмга қарши курашда катта тажриба орттирган эди.

Бироқ, 1900—1903 йилларда оғир иқтисодий кризис рўй берган даврда, Россия революцион ҳаракатининг ўсиб бориши таъсирида Тошкентда асосан темир йўлчиларнинг ташкилий чиқишлари бошланмоқда эди.

Тошкент ишчиларининг амалий чиқишлари ташкилотчилари сургун қилинганлар бўлди. Туркистонга сургун қилинганлар идораларга, босмаханаларга ва темирйўл устахоналарига ишга жойлашиб ишчилар, солдатлар ва маҳаллий аҳоли орасида ташкилотчилик ва тушунтириш ишларини олиб бордилар.

Россияда маёвкаларнинг ўтказилиши тарихи 1891 йилдан бошланди. Шу йили М. Н. Бруснев группаси томонидан ташкил қилинган Петербург ишчиларининг биринчи маёвкаси бўлиб ўтди. Москвада социал-демократ ишчилар сўзга чиқишиб, революцион ҳаракат ҳақида гапирдилар.

1 Май — пролетар бирлигининг халқаро байрами нишонланиши Тошкентда биринчи бор 1904 йил 1 Майда темир йўл бош устахонаси (ҳозирги Октябрь революцияси номли завод) ишчилари ташаббуси билан ўтказилди. Тошкентда биринчи маркс-ча социал-демократик тўгарак босмахона ишчилари учун В. Д. Корнюшин томонидан ташкил қилинди. 1903—1904 йилларда К. Д. Литвиненко ва бошқа социал-демократларнинг ташаббуси билан марксча тўгарак Тошкент темирйўли Бош устахонасининг ишчилари орасида ташкил этилди. Социал-демократлар томонидан темир йўл Бош устахонасида ташкил қилинган маёвка Туркистондаги революцион ҳаракат тарихида катта воқеа бўлди. Бу ерда чор Россиясининг узоқ ўлкасида биринчи бор ишчилар дадил ва якдиллик билан пролетар — халқаро байрамни нишонладилар. Кечқурун шаҳар чеккасида ишчилар Тошкентнинг бошқа ишчилари билан кенг кўламда 1 Майни нишонладилар. Бу социал-демократик группаларнинг ишчиларга таъсири кучайганлигидан далолат берар эди.

Тошкентда 1 Май байрамини нишонлаш рус ишчилар синфи билан маҳаллий миллат меҳнаткашларининг ўзаро дўстлигини ҳамда бирлигини мустаҳкамлашга олиб келди.

А. АБДУҚОДИРОВ,
Тошкент область партия комитетининг партия архиви мудири.

ОЗОДЛИК

ОЙБЕК



Қуёш, нурнинг тўка бер мўл-мўл!
Баҳор, кетма бизнинг бошлардан.
Юртимизда қолмасин дашт-чўл,
Чаман кулсин ҳатто тошлардан!
Ярқирай бер, қуёш — ниқобсиз!
Бошла янги зафарларга йўл.
Жаҳонларга қиламиз хитоб:
Абадий бахт берди бизга қўл!
Севинч тошган, садомиз баланд,
Кўкрак тўла ҳаёт ишқига.
Умид, орзу — баҳорги чаман.
Кечмакдамиз нур денгизига.
Тарихларнинг тун оғушини —
Ёриб қуёш тўғди инсонга.
Инсонларнинг қадим тушини
У кўрсатди рўй-рост жаҳонга!
Меҳнат озод ва қалблар озод,
Бахт, гурурдан кўкраклар баланд.
Ижод нашъа кундан-кун знёд,
Йўқдир орзу булоғига банд!



ТЕНГЛИК



Пабло НЕРУДА

Тутунининг кўкимтир ҳалқачаларн...
Тутунининг маъносиз ҳалқачаларн...
Демак, ҳаёт шуми!
Ёлғон!

Чап берма!
Менга сен тез ёрдам бершинг керак:
менга ёрдам берсин сўз,
имо, қўлинг!

Шунда,
барча қўллар,
имо ва сўзлар
ягона куч бўлиб бирлашганида
фақат шундагина,

ягона бир садо
ёйилганида,
машъум жимлигида қора кечанинг
ягона юлдуздан бирдан
ўт чиқар.

КАРДОШЛИК



Шавкат РАҲМОН

Бу қўшиқ ажойиб қўшиқдир,
Сўзлари куйдирар томоқни. —
Ўлимни назарга илмайсан,
сезмайсан сургуну қамоқни.
Шалдироқ кишанлар ҳукмига
ачинмай берарсан ёшлигинг.
Юзларинг бурғшмас оғриқдан
ва лаззат бағишлар очлигинг.
Куйласанг, чекинар разолат,
чекинар кадарлар, нолалар.
Ва унча қўрқинчли эмасдир
Кўксингда эзилган полалар.

ДЎСТЛИК

▲ Дўстлик — барча бойликдан афзал.
▲ Вафодор дўст йўлга солар, Ирвогар дўст пайдан. олар.
▲ Гинали дўст — адоватли душман.
▲ Душман сирингни ўғирлар, Дўст хатонгни тўғрилар.
▲ Душманнинг суйганидан, Дўстнинг ургани яхши.
▲ Дўст оғир кунда билинар.
▲ Дўстсиз бошим — тузсиз ошим.
▲ Жон дўстинг жонидан кечса ҳам, Мол дўстинг молидан кечмас.
▲ Пиёзнинг пўсти кўп, Яхшининг — дўсти.
▲ Чин дўст туғишганинг билан тенг.
▲ Яширин дўстдан ошкора душман яхши.

Бахтиёр МАМАЮСУПОВ тўплаган.

Евгений ЕВТУШЕНКО

София вокзалидаги мулоҳазалар*

Публицистика

...Мен болгариялик рассом Светлана Русеванинг кўргазмасида бўлдим. Кўргазма София вокзалининг ички — дунёдаги энг гўзал залларининг бирида жойлашган. У бир қарашда ғала-ғовурли бу нотинч вокзалга адашиб тушиб қолгандек. Лекин яхшироқ разм солинса, пойтахт совға-саломларига тўла чамадонлари билан қайларгадир шошаётган кишиларни бир лаҳза бўлса-да ўз қошида тўхтатиб, «Биз ўзи киммиз?» деб ўйлашга мажбур этади. Секин-аста инсон нигоҳларида мангуга муҳрланиб, улар билан вагонларга ўтириб, аллақаёқларга кетиб қолади.

Ҳа, катта санъат вокзалларда кўргазмага қўйилишидан уялмаслиги керак. Бизнинг вокзалдаги қувонч ва қайғуга тўла ҳаётимиз ҳақида Пастернак: «Вокзал — висол ва ҳижронларимнинг сувда чўкмас, ўтда куймас сандиғидир» деб ёзган эди.

Ҳаёт вокзалларидаги санъаткорлар — вокзал милиционерларига ёки танга билан одамларнинг оёқ кийимини, ҳатто қотилларнинг туфлисидаги қонни ҳам тозалайверадиган автоматга, овози кучайтирилган радионкарнай, туристлар рекламаси, ёхуд оддий плакатга айланиб қолмаслиги керак.

Санъат — вокзалдаги кўргазмадек — қайларгадир шошаётган серташвиш ва нотинч дунёни бир лаҳза бўлса-да ўз қошида тўхтатиб, одамларни «Биз ўзи киммиз?» деб ўйлашга мажбур қиладиган бирдан-бир имкониятдир. Бунга насиҳатгўйлик билан эришиш қийин. Умуман насиҳатгўйлик ҳали ҳеч қачон кишиларни эзгуликка ундаган эмас. Шиорлар ҳеч қачон инсон қалбига буюк санъат асарларидек чуқур кириб бора олмайди. Фақат инсонга ўзи ҳақида ўйга чўмишдек умидбахш туйғуларни ҳадя эта олган санъатгина бизни эзгуликка бошлаши мумкин. Баъзан санъат инсонни оғир хаёлларга, юрагини эзувчи маҳзун туйғуларга ҳам ошно этиши мумкин. Лекин санъатдан фақат эстетик завқ олишни ўйлаганлар қаттиқ янглишишади.

Катта санъаткорлар — дунё изтиробларининг безакчилари ёхуд қичқириқ ва оҳ-воҳларнинг жўровоз чилдирмачилари эмас, балки улар ўша изтиробларнинг, ўша қийқириқ ва нолаларнинг айни ўзидир. «Оғир китоб»ни бир четга қўйиб, унинг ўрнига қандайдир ҳаҳвий ёки детектив асар билан ўзини овутадиган киши — маънавий хавфли кишидир!

Буюк асар яратиш қанчалик азоб бўлса, уни ўқиш ҳам шунчалик азоб. Негаки, фақат буюк азобларгина буюк адабиёт учун онадир! Илойим, дард-у, изтироблар кишиларга фақат санъат ҳадя этишсин! Ингмар Бергман «Ҳозирга қадар биз учун проблема бўлиб туюлган нарсаларни ҳал қилсак, кейин ҳақиқий проблемалар пайдо бўлади» деб айтган. Лекин афсуски, бунга ҳали узоқ.

Кишиларга санъат ва муҳаббат ҳадя этувчи изтироблар— инсонни инсон қилувчи энг муҳим изтироблардир. Лекин минг афсуски, биз ҳозирга қадар инсон ҳақ-ҳуқуқини поймол қилувчи, таҳқир ва зўравонлик, зулм ва жаҳолат билан йўғрилган қонли урушлар изтироби тўлиб-тошган нотинч бир асрда яшаяпмиз.

Инсониятга ҳозир мангу принципиал дунё керак. Ер юзи халқларининг истаги ҳам шу. Бутун инсониятни бирлаштирувчи ўша принцип ҳам мавжуд. Бу принцип инсоннинг ўзидир!

Мен яқинда испаниялик ёзувчи аёл Ана Мария Матутанинг болалиги ҳақида ҳикоя қилувчи китобини ўқиб чиқдим. Мен кичик Сибирь станцияларининг бири — Зимада, тамомила бошқа бир шароитда ўсиб, улғайганман. Тарих мен ва Ана Мария Матута бир-биримизни тушунмаслигимиз учун қўлидан нимаики келган бўлса, ҳаммасини қилибди. Лекин унинг болалиги мени шу қадар ҳаяжонга солиб қўйдики, гўё ўз умримнинг бир қисмига айланиб қолди...

Габриэл Гарсиа Маркес ҳикоя қилган Лотин Америкасидаги қишлоқ — Макондада рўй берган фожеа гўё бизнинг рус қишлоғимизда рўй бергандек, мени қаттиқ таъсирлантирди. Чарльз Сноу — англиялик лорд, мен — деҳқон оиласиданман, ҳолбуки ҳозирга қадар унингдек руҳан ўзимга яқин бирор кимсани Англияда эслай олмайман.

Узоқ йиллардан буён Қўшма Штатлар билан Иттифоқимиз орасидаги давлат муносабатлари «Совуқ уруш» сиёсати билан заҳарлаб келинди. Бизни ажратиб қўйишмоқчи бўлишди. Лекин бугунги кунда бизнинг классикларимиз билан бир қаторда Америка вакиллари Эдгар По, Твен, Мелвилло, Уитмен, Крейн, Драйзер, Вулф, Фицджеральд, Хемингуэй, Фолкнер, Стейнбек асарлари билан тарбияланмаган бирор бир кишини биз тўлақонли замонавий совет зиёлиси сафига қўшолмаймиз. Ва бу зиёлилар бугунги кунда Роберт Пенн, Уоррен, Апдайк, Стайрон, Чивер, Хеллер, Воннегут, Уайлдерларни ўқимайди деб ким айта олади? Мана сизга адабиётнинг қудратли куч эканлигига яна бир мисол. Демак, шунинг учун ҳам тинчликка ундовчи асарларимизнинг ҳаёт вокзалларида кўргазмага қўйилиши ниҳоятда зарур экан!

Баъзан биз ёзувчилар профессионал тушкунликка тушиб, ўз сўзимизнинг таъсиригa ишонмай қўямиз: **«Ҳатто Данте, Шекспир, Сервантес, Гёте, Толстой ва Достоевскийлар ҳам инсониятни баркамол қилишолмаган-ку»** деб. Лекин бу умидсизлик бекордир. Зотан виждон бор экан у бунинг учун санъатнинг буюк кучидан миннатдор бўлмоғи керак!

Бир кун келиб бизга ҳам ҳаёт вокзалларининг биридан умримизнинг сўнгги поездига чиқиш насиб этса, умр бўйи ёзган-чизганларимиз ўша вокзалларнинг деворларида тирикларга васият бўлиб ёришиб турсин...

Рус тилидан Исмат ХУШЕВ таржимаси.

Халқаро ярмарка чорлайди

Улуғ Октябрининг шонли тантанаси туфайли Совет Ўзбекистонида халқ хўжалигининг турли соҳаларида эришилган ютуқлар бугунги кунда ер куррасидаги турли мамлакатларда қизиқиш уйғотмоқда. Ана шунинг учун ҳам кейинги йилларда бир қатор мамлакатларда Совет Ўзбекистони ютуқларини акс эттирувчи саноат кўргазмаларини ташкил этиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Савдо-саноат палатаси президиуми раисининг ўринбосари Ҳамид Ҳакимов қуйидагиларни маълум қилди:

— Ўтган йилларда Ўзбекистонимизнинг халқ хўжалигида эришган ютуқлари Перу, Швейцария, Португалия мамлакатларида бўлган халқаро миқёсдаги саноат ярмаркаларида кенг қўламда намойиш этилди. Навбатда республикамиз қардош Венгрия Халқ Республикасининг пойтахти — Будапештда шу йилнинг сентябрь ойида бўладиган катта саноат ярмаркасида қатнашишга таклиф этилган. Бу кенг қўламли ҳайрли ишга қизғин киришилди. Республикадаги енгил, маҳаллий, агросаноат корхоналарининг коллективлари Будапештга юбориладиган экспонатларни тайёрлай бошладилар. Бу кўргазмада Тошкентдаги кўпгина саноат корхоналарининг маҳсулотлари намойиш этилиши ҳам қувонарлидир. Шаҳримиздаги тикувчилик, республика кийим моделлари уйи, «Ўзбекпластик» бирлашмаси, бадиий буюмлар, ўйинчоқлар фабрикалари ва бошқа корхоналар ярмарка учун нафис ва сифатли экспонатларни тайёрламоқдалар. Бу маҳсулотлар намуналари ҳаммаси бўлиб минг хил номга яқиндир ва улар яқин кунларда ярмарка адресига жўнатила бошлайди.

Айни пайтда Тошкентда қардош социалистик мамлакатларнинг турли соҳаларда эришилган ютуқларини намойиш этишга ҳам тайёргарлик кўряпмиз. Венгрия Халқ Республикасининг шифобахш дори-дармонлар кўргазмаси май ойида намойиш этилади. Июнь ойида ГДРлик дўстларимизни кутиб оламиз. Улар бу ерда косметика, маиший химия ва автомобиль косметикаси кўргазмасини ташкил этишади.

Бир сўз билан айтганда, Совет Ўзбекистонининг чет мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқалари йил сайин ривожланиб, кенгайиб бормоқда.

П. АБДУЛЛАЕВ.

Қўшиқ

Қўшиқ айтинг, дедим-ку, ахир, Қўшиқ айтинг. Кайфиятингиз яхши бўлса, қўшиқ айтинг. Ҳар қандай жаҳолатга аччиқма-аччиқ қўшиқ айтинг...

Эсимда бор. Кичик эдим, қўшни хотин ўз ўғлини калтаклаётганини кўрдим.

Бола омборхонада туриб қўшиқ айтарди.. Онаси уни урар, бола «қаҳ-қаҳ» уриб қўшиқ айтарди. Онаси уришдан чарчаган, у бўлса ҳамон қўшиқ айтарди.

Онаси урмай қўйди, ўғил калтак еган елкаларини силаб-силаб қўшиқ айтарди.

Одам тўла троллейбусларда қўшиқ айтинг. Агар бунинг учун ҳам тўлаш керак бўлса — тўланг!

Май ичаётиб, қўшиқ айтинг. Қабр устида қўшиқ айтинг. Нега жим турибсиз, куйламайсизми? Марҳум эшитмайди. Унинг ўлими учун эмас, ўз ҳаётингизни куйланг. Қабрдаги гулчамбар ҳақида эмас, ҳув, дарахт тепасидаги япроқ ҳақида қўшиқ айтинг. Тириклар, қўшиқ айтинг, — қўшиқ унга эмас, сизга керак.

... Оқшомлари — уйғониб, булбуллар хонишини эшитасан. Кўрдингми, қўшиқ тунда ҳам ҳаётдир.

Сен эрталаб, тонгда куйлайсанми? Иложсизлик қўшиғини, ғазаб қўшиғи ё ҳужум ҳақида куйлаганмисан ҳеч?

Дарвоқе, қани, у сенинг ҳужумкор қўшиғинг? Ёки ғалабага эришиб, энди фақат тонгда айтасанми қўшиқни? Ёки мағлубмисан— воз кечдинг бутунлай қўшиқдан?

Муҳаммад СОЛИҲ таржимаси.

Имант ЗИЕДОНИС, Латвия.

Оппоқ тонг...

Этюд

Оппоқ тонг отяпти... Табиатда, заминда жонивор-ларнинг уйғониш даври бошланаяпти. Ариқ бўйидаги икки қулоқ бўлган ялпизнинг ҳиди бирам димоққа ёқади. Гулларнинг тонг шамолида елпинишини айтмайсизми. Шабададан нуқул уларнинг бир ўзи баҳраманддек. Ҳа, асти қўяверинг, осмон гумбазидаги юлдузларнинг нурсизланиб кўздан ғойиб бўлиши сирли сандиқнинг ўз-ўзидан ёпилиб қолишини эслатади. Ҳашаротларнинг чириллаши айниқса эрта тонгда мусиқий най-наволарини эслатишини айтмайсизми. Шундай қалбингизга ором бағишлайдики саҳрода, ёлғиз ўзингиз кетаётганингизда сизга ҳамроҳ бўлгандек туюлади. Кўз олдингизга нималар келмайди, дейсиз.

Сиз ҳам ана шу ҳашаротларнинг қўшиғига жўр бўлганлигингизни сезмай қолиб ювинганни йўл оласиз. Ҳа, шундай тонг шабадаси уфуриб, баданингизни жимирлатади, асти қўяверинг, дастурхонга ўтириб чой ичганингизни ҳам сезмай қоласиз. Айниқса, баҳор тонгини кузатиб ҳазина калитини топган геологдек, бу тонгдан ишим ўнгидан келиб қолса керак ҳаёлида чап томонингизга қарасангиз сарвиноз — дилороминг сизга маҳлиё бўлиб тургандай кўзларингизни жимирлатади.

Сиз ҳам тонгни кузатиб қўрингчи, рўпарангизда сервиқор ўркач-ўркачларида самоминбаридан кулиб боққан сўнмас Қуёш нурида товус патидек товланаётган оппоқ қорли хазиналари — битмас, туганмас осмонўпар тоғлар сизни ўз қучоғига чорлайди. Яна бирор соатлардан кейин Тоғ бағрида ҳаёт қайнайди. «Спидола» карнайларидан Кремль курантлари жаранги кенг дара бўйлаб тараладн. Баҳайбат тоғлар ҳам шу Тонгдан баҳраманд бўлиб, Москва — тинчлик пойтахтининг юраги уришини эшитади. Тинниб-тинчимас хазина топарлар тоғ бағрига йўл олади.

Май Тонги деб шуни айтсалар керак-да!..

Карим МУСАМУРОДОВ.

Ота ва фарзанд

Қатра

Болажоним, сени иссиқ нафас олиб, пишиллаб, ором олиб ухлашинга зерикмасдан, тўймасдан, суқланиб соатлаб тепангда термулиб, қараб қоламан.

Сендан кўзимни узмасдан тикиламану — ҳайратланаман, шодланаман. Назаримда энди мен икки одамга бўлингандайман. Назаримда ўзимни қарашга ойнанинг кераги йўқдай, чунки Сенга қарайману, Сенда ўзимни кўргандай бўламан. Сенинг қошу кўзларинг, қовоқларинг, киприкларинг, ҳатто пучуқ жағжи бурнинг, ҳамма-ҳаммаси меникидек, шуларни кўраману Сенда ўзимни кўргандай севиниб кетаман, шодланаман, табиат мўжизасидан ҳайратланаман.

Болажоним, Сенинг шўх қийқириб кулишларингни, тотли ёқимли ингалаб йиғлашларингни эшитиб қулоқларимга ишонгим келмайди. Наҳотки, мен ота бўлдим!

Ҳа, мен ота бўлдим... Лекин, лекин кўнглим негадир ҳамон отамни қўмсайди...

Шавкат АЗИЗОВ.

Хуш келибсан, Май!

Ташрифинг муборак қадим оламга,
Эй, қорли кунлардан ғолиб келган Май,
бирдамлик ҳиссини ҳар бир одамга
оқ, пушти гул қилиб олиб келган Май!

Сени қизғалдоқлар томлардан топди,
сенга дуч келолмай қочди риёлар,
сенинг иқболингга ҳансираб чопди
соҳилларни бузиб телба дарёлар.

Тоғлар ҳузурингга чиқдилар пешвоз,
яловдай кўтариб лолаларини.
Фақат сен қилурсан якдилу ҳамроз
жаҳоннинг оқ-қора болаларини!

Байрутда бегуноҳ гўдаклар ўлар,
адоват ўқининг жалаларида...
Ғўзалар саф тортиб ҳамдардлик қилар
кунгай Ўзбекистон далаларида.

Хуш келдинг, шонли Май, фақат сен эллар
бошин бир қилурсан, фикрини — одил.

Фақат сен туфайли ўрганур қўллар
санжоқлар кўтариб чиқмоқни дадил.

Хуш келдинг, шонли Май, эй, бани башар
қўлини қўлига туташтирган КУН,
ва лекин, айт, қачон маслак бирлашар,
қачон бир бўлади бўлинган очун?

Ташрифинг муборак, кўҳна дарахтга
яп-янги япроқлар олиб келган Май,
чулғаб пештоқларни қип-қизил бахтга,
қип-қизил байроқлар олиб келган Май!

Сулаймон РАҲМОН.

БАХТ-САОДАТ



Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

Дераэамда олча гуллай бошлабди оппоқ.
Дафтаримда турналардай тизилар ҳарфлар.
Новдаларга сезилмайди бу сафоли чоғ
Оқ гул бўлиб қўнаяпти кўкламги зарблар,
Юрагимнинг зарбларн ҳам тезланди чоғи
Е кўкламги шаршаралар кирдимни унга,
Сархуш-сархуш оҳангларга тўлар қучоғим,
Кўксим торлик қилаяпти тошқин, тўлқинга.
Кўклам қайтди, қайтди юртга тўлқин,
куртак, гул,
Мен ҳам бола чоғларимга бораман қайтиб.



Манглайидан ўп кўкламнн, боладай кўнгил
Қирларга чоп бегуборлик қўшиғини айтиб.
Ким айтса ҳам бекор гап бу — чўкаётганим,
Бу тонг олча ёнида қад тикладим бўй-бўй.
Ёлғон йиллар сочларимни тўкаётганн,
Барн ёлғон — сўнги йиллар қариганн ўй.
Мен кўкламни дилим билан кўраман баҳам
Ва ўзимнинг кўклигимга қайта оламан.
Сочим олча гулидай оқ оқарганда ҳам —
Кўклам чоғи шўх қизалоқ бўлиб қоламан.
Дерэамда олча гуллай бошладн оппоқ...

(«Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги сони 4 майда чиқади).

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

телепрограммалар

Душанба

4 МАЙ.

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика.
8.30 ВРЕМЯ.
9.15 Футбол шарҳи.
10.00 «Чўнтакдаги қуёш». Бадиий фильм.
11.10 «Биз билан биргаликда». Кемерово шаҳридан кўрсатилади.
11.45 «Қўшнимиз». Телевизион ҳужжатли фильм («Экран»).

* * *

16.30 Янгиликлар.
16.45 «Рус тили».
17.15 «Музикали Фрунзе». Қирғизистон телевидениесининг кўрсатуви.
17.50 «Объектив».
18.20 Мактаб ўқувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик П. Г. Костюк билан учрашуви.
19.05 «Егор бобонинг ақл бовар қилмайдиган эртаклари». Мультфильм премьераси.
19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
19.30 ЖАДАЛЛАШТИРИШ. «Уралмаш». Шерикларининг муаммолари». 2-кўрсатув.
20.00 «ҚИРҒОҚ». СССР Давлат академик Малий театри фильм-спектаклининг премьераси.
21.30 ВРЕМЯ.
22.05 «ҚИРҒОҚ». СССР Давлат академик Малий театри фильм-спектаклининг давоми.
23.15 Футбол шарҳи.
24.00 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.

● МТ II

18.30 Янгиликлар. 18.45 СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН! 19.45 Эркин кураш. Европа чемпионати. Болгариядан кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 Футбол шарҳи. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Бировнинг хати». Бадиий фильм («Ленфильм»). 23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.05 Ритмик гимнастика.
7.30 «Салом, кичкинтойлар!».
7.40 «Ватанимни шарафлайман». «Тўғрисини айтганда». Ҳужжатли фильм.
8.00 АХБОРОТ.
8.20 «Тонгги тароналар».

* * *

16.35 «Баҳорнинг узун куни». Телевизион бадиий фильм.
17.15 «Қуёш ёмғири». Телефильм.
17.30 Янгиликлар.
17.40 ЎзССР тарихи. Ўзбекистон—социализмнинг Шарқдаги машъалидир (рус.).
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Рекс ва Такса». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қаламни қурол қилиб» (рус.).
18.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». Ўзбекистон Давлат телерадиосининг ўсмирлар хори куйлайди.
19.30 АХБОРОТ (рус.).
19.45 «ДАВРГА ҚУЛОҚ СОЛИБ». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзкинохроника»).
20.00 «Ёзувчи ва замон».
20.30 АХБОРОТ.
20.50 Ўзбек куйларидан концерт.
21.30 Москва. ВРЕМЯ.
22.05 Сайловлар олдидан. «Совет сайлов системасини такомиллаштириш масалалари».
22.35 «Эртага — премьера». Кўрсатувни кинодраматург Ф. Мусажонов олиб боради.
23.35 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Игорь полки ҳақида сўз» йўлларидан». Телефильм. 20.00 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Секин портлагич». Бадиий фильм. 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ: 22.05 «Кино оламида».

Сешанба

5 МАЙ. МАТБУОТ КУНИ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика.
8.30 ВРЕМЯ.
9.15 Ю. Бондарев. «Қирғоқ». СССР Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли.
11.45 Матбуот кунига. «ТАСС мухбирлари хабар қиладилар...». Ҳужжатли фильм.
12.15 Москва ҳарбий округи ашула ва рақс ансамблининг концерти.
13.40 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар.
16.40 «Онамларнинг мактаби».
17.10 СЕНИНГ ЛЕНИНЧА КУТУБХОНАНГ. В. И. Ленин. «Карл Маркс».
17.45 «Нега ва нима учун?» Болалар учун кўрсатув.
18.15 «Хотира». Кўрсатувда ёзувчи В. Карпов ва Партия XXV съезди номли колхоз раиси И. Кальницкий иштирок этади.
19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
19.30 «Газета интервью беради...». «Правда»нинг 75 йиллигига.
20.10 МТ ЭКРАНИДА БИРИНЧИ МАРТА. «Минглаб йўллар орасида». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
21.30 ВРЕМЯ.
22.05 «Йирик планда — Инсон».
23.20 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
23.35 Совет қўшиқларидан концерт.

● МТ II

18.30 Янгиликлар. 18.45 ...16 ЁШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР. 19.30 «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». И. Брамс. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 2-концерт. 20.25 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 «Узоқ Шарқ». Киножурнал. 21.00 Ритмик гимнастика. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «ҚАЕРДАДИР УРУШ БОРАРДИ». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 23.15 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.05 Ритмик гимнастика.
7.30 «Салом, кичкинтойлар!».
7.40 «Хонаки театр». Телефильм.
8.00 АХБОРОТ.
8.20 «Тонгги тароналар».

* * *

16.35 Эстетика асослари. Ҳозирги даврда эстетик маданият.
17.05 «Нотаниш қўшиқ». Телефильм.
17.30 Янгиликлар.
17.40 Химия. Химия саноатининг ривожланиши.
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Туғилган кун». Мультфильм.
18.30 «Ўсмир ва қонун».
19.00 Матбуот кунига. «Давр билан ҳамнафас».
19.30 АХБОРОТ (рус.).
19.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мулоҳазалар, аргументлар, фактлар» (рус.).
20.20 «Мангу олов». Телефильм.
20.30 АХБОРОТ.
20.50 Матбуот ходимлари учун концерт.
21.30 Москва. ВРЕМЯ.
22.05 «Иқбол». Қизлар конкурс программаси.
23.45 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 «Карл Маркс — мутафаккир, революционер, инсон». Ҳужжатли фильм. 20.25 Ўзбек шеъриятидан янги таржималар (рус.). 20.45 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Биргаликда аҳил оиламиз». 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 22.05 Матбуот ходимларига бағишланган концерт. 22.35 «Ўшанда, 45-йилда...». Хроникал-ҳужжатли фильм (рус.).

Чоршанба

6 МАЙ.

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика.
8.30 ВРЕМЯ.
9.15 Мактаб ўқувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик П. Г. Костюк билан учрашуви.
10.00 «Минглаб йўллар орасида». Бадиий фильм.
11.20 «Шунчалар турли-туман масхарабозлар». Эстрада-цирк томошалари.
12.10 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар.
16.40 «Салом, музика!».
17.25 «Агросаноат ишлари ва ташвишлари». Ҳужжатли фильмлар: «Сени қандай асраш керак, Ер...» («Киевнаучфильм»), «Бошоқнинг кучи нимада?» (Кишинёв).
18.10 «Қўшиқ инсон билан қолади».
19.05 «Сандиқ». Катта ёшдагилар учун мультфильм премьераси.
19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
19.30 СЕВИМЛИ ВАТАНИМ МЕНИНГ. Фотоконкурс.
19.35 «Ҳамжиҳатлик калити». «Энг яхши дунё учун жамият» халқаро ташкилотлари вакилларининг учрашуви.
20.40 М. Пятницкий номли Давлат академик рус халқ хорининг концерти.
21.30 ВРЕМЯ.
22.05 Останкино концерт студиясида ёзувчи Григорий Бакланов билан учрашув.
23.20 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
23.35 ДУНЁ ВА ЁШЛАР.

● МТ II

18.30 Янгиликлар. 18.45 «ЎЖАР ОДАМ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Минск). 19.05 МУЗИКАЛИ КИОСК. 19.35 «Чўққи». Совет альпинистларининг 1982 йилда Эверес чўққисини забт этишгани ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 «Фристайл Домбайда». 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «ҚАЕРДАДИР УРУШ БОРАРДИ». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 23.20 Футбол. СССР чемпионати. «Шахтёр» — «Динамо» (Киев). Донецкдан кўрсатилади. Танаффус пайтида (00.05) — Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.05 Ритмик гимнастика.
7.30 «Салом, кичкинтойлар!».
7.40 «Пионер телетайпи».
7.50 «Халқ қалбида». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
8.00 АХБОРОТ.
8.20 «Тонгги тароналар».

* * *

16.35 Жамиятшунослик. Коммунистик тарбиянинг асосий йўналишлари.
17.05 «Раҳмат, солдат». Телефильм.
17.30 Янгиликлар.
17.40 Ўқитувчи экрани. Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш.
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сиёсий клуб».
19.00 «Чорвадор» программаси. «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
19.30 АХБОРОТ (рус.).
19.45 «Фабриканинг йўлида». Самарқанддаги «Ҳужум» пиллакашлик фабрикасининг 60 йиллигига.
20.30 АХБОРОТ.
20.50 «Дўстларимиз тароналари». Латвия эстрадаси билан учрашув.
21.30 Москва. ВРЕМЯ.
22.05 Уйғун. «Парвона». Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Танаффус пайтида (23.00) — «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
23.55 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.10 «Запасдаги офицер». Бадиий фильм («Молдова-филм»). 20.30 Ритмик гимнастика. 20.50 «Мастерга бир савол». Ҳужжатли фильм. 21.00 «Беш йиллик: ишлар ва одамлар». 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 22.05 Бадиий фильм (рус.).

Пайшанба

7 МАЙ. РАДИО КУНИ, БАРЧА АЛОҚА ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика.
8.30 ВРЕМЯ.
9.15 МЎЪЖИЗАСИЗ-МЎЪЖИЗАЛАР.
10.15 «Бировнинг хати». Бадиий фильм.
11.45 «Қувноқ нотачалар». Ёш вокалистлар конкурси.
12.45 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар.
16.45 «А. Твардовский. «Василий Теркин». РСФСР халқ артисти О. Табаков ўқийди». Фильм-концерт («Экран»). 1-қисм.
18.00 ...16 ЁШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР.
18.45 ФАН ВА ТУРМУШ.
19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
19.30 «Жанговар кинотўпламлар саҳифаларида».
20.35 «Ветеранлар қалбан қаримайдилар». Москва шаҳар Улуғ Ватан уруши ветеранлари хори ҳақида концерт-очерк.
21.30 ВРЕМЯ.
22.00 Футбол. Олимпия турнирининг саралаш матчи. Болгария — СССР терма командалари. Болгариядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Агар соғлом бўлай десанг».
23.45 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
24.00 «ҚАЛБИМНИНГ НОЗИК ТОРЛАРИДА». Композитор В. Н. Соловьев-Седой ҳаёти ва ижоди ҳақида фильм-концерт премьераси («Лентелефильм»).

● МТ II

18.30 Янгиликлар. 18.40 Шахмат мактаби. 19.10 «СКРИПКАЧИЛАР». Ҳужжатли фильм премьераси («Таллинфильм»). 19.30 САЁҲАТЧИЛАР КЛУБИ. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 «ЮЗАСИДА НИМАЛАР БОР?». Илмий-оммабоп фильм премьераси (Свердловск киностудияси). 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 «ҚАЕРДАДИР УРУШ БОРАРДИ». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 23.15 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.05 Ритмик гимнастика.
7.30 «Салом, кичкинтойлар!».
7.40 «Телевидение Тошкентга қайтди». Телефильм.
8.00 АХБОРОТ.
8.20 «Тонгги тароналар».

* * *

16.35 Ботаника. Ўсимлик ва атроф-муҳит.
17.05 «Ўғлонлар қасамёд қилдилар». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
17.30 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-87». Математика.
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Болалар учун фильм. «Қувонч».
18.40 «Театр ҳақида мунозара». 2-кўрсатув (рус.).
19.30 АХБОРОТ (рус.).
19.45 БУГУН — РАДИО КУНИ. «Республика тўлқинларида».
20.15 «Маркснинг Вильнюсдаги дўсти». Ҳужжатли фильм.
20.30 АХБОРОТ.
20.50 Радио кунига бағишланган концерт.
21.30 Москва. ВРЕМЯ.
22.00 «Бободеҳқон мактаби». Фарғона область пахтакорларининг илғор тажрибаси ҳақида ҳикоя.
22.40 «Белорус вокзали». Бадиий фильм («Мосфильм»).
00.20 Кўрсатувлар программаси

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 «Пионер телетайпи» (такрорий). 19.45 «Орзуларнинг чеки йўқ эстрада мўъжизаси». Куйбишев қўғирчоқ театрининг спектакли (рус.). 21.00 «Ялпиз исли тушлар». Телефильм. 21.10 КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳасини муҳокама қиламиз. 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 22.00 «Кинокўзгу». Телепрограмма. 23.00 «Аёл қувончлари ва ташвишлари». Бадиий фильм (рус.).

Жума

8 МАЙ.

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика.
8.30 ВРЕМЯ.
9.15 «Салом, музика!».
10.00 ДУНЁ ВА ЁШЛАР.
10.35 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар.
16.45 «А. Твардовский. «Василий Теркин». Фильм-концерт. 2-қисм.
17.50 «Сеҳрли тош қўшиғи». Мультфильм.
18.10 «Давр тақозоси». КПСС Краснодар ўлка Курганин район комитетининг иш тажрибаси ҳақида.
18.40 РСФСР халқ артисти В. Спиваков чалади (скрипка).
19.05 «Дербент». Телевизион ҳужжатли фильм (Оржоникидзе шаҳри).
19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
19.30 Радио кунига бағишланган концерт. Союзлар уйининг Колонна залидан 7 май куни трансляция пайтида ёзиб олинган.
21.30 ВРЕМЯ.
22.05 «ХОТИН-ҚИЗЛАР КЛУБИ». Телевизион бадиий фильм премьераси («Мосфильм»). 1-серия.
23.10 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
23.25 «ХОТИН-ҚИЗЛАР КЛУБИ». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● МТ II

18.30 Янгиликлар. 18.45 ҲАММА УЧУН ВА ҲАР БИР КИШИ УЧУН. 19.15 Халқ куйлари. 19.30 ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 ЗДОРОВЬЕ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Қутбга қайтиш». Телевизион ҳужжатли фильм («Экран»). 22.55 Ф. Шуберт. В. Мюллер шеърларига ёзилган «Қишки йўл» вокал туркуми. 00.15 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.05 Ритмик гимнастика.
7.30 «Салом, кичкинтойлар!».
7.40 «Ўринбосарлар улғаймоқда».
8.00 АХБОРОТ.
8.20 «Тонгги тароналар».

* * *

16.35 Биология. Одамнинг пайдо бўлиши.
17.05 «Ўртоқ офицер». Телефильм.
17.30 Янгиликлар.
17.40 Ўзбек совет адабиёти. А. Орипов лирикаси.
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Янгроқ барабан ҳақида эртак». Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Бойчечак» (рус.).
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг».
19.30 АХБОРОТ (рус.).
19.45 «Тошкент ва тошкентликлар».
20.30 АХБОРОТ.
20.50 «Ватан бахт ошёни». Концерт.
21.30 Москва. ВРЕМЯ.
22.05 «Фидойилар». Зебо Ғаниева номли ансамблнинг фронт бригадаси.
23.15 «Львов университети». Ҳужжатли фильм.
23.30 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Чилангарга таъзим қил, кўклам!». Телефильм. 19.55 Ритмик гимнастика. 20.15 «Советский воин». Тележурнал (рус.). 21.00 «Мени кутгил...». Адабий композиция. 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 22.05 Информацион-дам олиш программаси. 23.05 Классик кураш бўйича Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал И. В. Панфилов хотирасига бағишланган Бутуниттифоқ турнири.

Шанба

9 МАЙ. 1941—1945 ЙИЛЛАРДАГИ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБА БАЙРАМИ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика.
8.30 ВРЕМЯ.
9.15 «Қасамёд қиламан, Ленинград!». Ҳужжатли фильм («Леннаучфильм»).
9.50 «ДИЙДОРЛАШУВ ДАВРИ». Телевизион бадиий фильм премьераси (Свердловск киностудияси).
10.55 «СОЛДАТ БЎЛИШ УЧУН». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»).
11.30 БУГУН — ҒАЛАБА БАЙРАМИ. СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, армия генерали П. Г. Лушев сўзи.
11.45 «Ветеранлар, Сизлар учун». Музикали кўрсатув.
12.30 МТ ЭКРАНИДА БИРИНЧИ МАРТА. «Аккордеонли киши». Бадиий фильм («Мосфильм»).
14.00 ҒОЛИБЛАР. Ғалаба байрамига бағишланган кўрсатув.
15.30 Мультфильмлар: «Оловли йиллар қўшиқлари», «Ҳеч нарса унутилмайди».
16.10 ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА.
17.40 ҲАМДЎСТЛИК. Телевизион журнал.
18.10 УЛУҒ ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИГА. «Тарихнинг сўнмас сатрлари». «Солдат ҳақида қисса». Бадиий фильм («Мосфильм»).
19.50 ФАШИЗМГА ҚАРШИ ЖАНГЛАРДА ҚУРБОН БЎЛГАНЛАРНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИ. Бир минутлик сукунат.
20.15 ҒАЛАБА БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН МУЗИКАЛИ КЎРСАТУВ.
21.30 ВРЕМЯ.
22.05 «Май ойи эди». Телевизион бадиий фильм («Экран»).
23.55 Тинчлик велопойгаси. ГДРдан кўрсатилади.
00.15 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 ТОНГГИ ПОЧТА. Музикали кўрсатув. 9.45 Ритмик гимнастика. 10.15 Шахматлар. 3 терма команда матчи. 10.35 ФАҚАТ ҒАЛАБАГА ЧИН ДИЛДАН ИШОНИБ. Улуғ Ватан уруши Совет адабиётида. 11.25 Болалар учун фильм. «Климко» (А. Довженко номли киностудия). 12.30 Мультфильмлар: «Маруся Богуславка», «Василиса Микулишна». 13.00 «Эдуард Асадов. Жанг қиляпман, ишонаман, севаман». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.50 «МАНГУ БАРҲАЁТЛАР». Фильм-концерт премьераси («Экран»). 14.10 «Спорт ва шахс». Николай Королев. 14.40 «Шаҳар узра қушлар». Бадиий фильм, субтитр билан (М. Горький номли киностудия). 15.55 «Солдатлар куйлаганда...». Солдат қўшиқлари фестивали. «Динамо» Спорт саройидан кўрсатилади. 18.25 «Қаҳрамон шаҳарлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.25 «Унутилмас музикали кечалар». В. А. Моцарт. Икки фортепьяно ва оркестр ижроси учун ми-бемоль мажор концерти. 19.50 ФАШИЗМГА ҚАРШИ ЖАНГЛАРДА ҚУРБОН БЎЛГАНЛАРНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИ. Бир минутлик сукунат. 20.10 «Бизга ёзилган хат». Телевизион ҳужжатли фильм (Куйбишев шаҳри). 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 Шахматлар. 3 терма команда матчи. 21.15 «Москва». Кинокўрсатув. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 К. Симонов. «Лопатиннинг ён дафтаридан». Москва «Современник» театрининг фильм-спектакли. 00.05 А. Глазунов. Лирик поэма. 00.15 Городки спорти. Ғалаба байрамига бағишланган турнир. 00.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.05 Ритмик гимнастика.
7.30 «Ғалаба йўли». Кинопрограмма.
8.00 АХБОРОТ.
8.20 «Хатинь». Телефильм.
8.30 Москва. ВРЕМЯ.
9.15 «Солдат оҳанглари». Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган солдат қўшиқлари округ кўрик-конкурсининг якунловчи концерти.
10.25 «Байрам кунида». Бадиий фильм («Мосфильм»).
11.50 «Спорт шарҳи».
12.50 «Жасоратнинг давоми». Телефильм.
13.15 И. Тўлоқов. «Сўнгги жанг». Адабий театр.
13.45 «Кинoредакция почтасидан».

* * *

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Глиэр номидаги Республика музика мактаби ўзбек халқ чолғулари оркестрининг концерти.
18.55 БИЗНИНГ БУЮК ҒАЛАБАМИЗ. Ҳарбий Кенгаш аъзоси, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант Г. А. Стефановский сўзи.
19.15 «Хотира». Ҳужжатли фильм.
19.30 АХБОРОТ (рус.).
19.50 Москва. ФАШИЗМГА ҚАРШИ ЖАНГЛАРДА ҚУРБОН БЎЛГАНЛАРНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИ. Бир минутлик сукунат.
20.10 «Брест узра шунчалар сокинлик». Ҳужжатли фильм.
20.30 АХБОРОТ.
20.50 УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 42 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАДИИЙ-СПОРТ БАЙРАМИ. Тошкент ипподромидан репортаж (ёзиб олинган).
21.30 Москва. ВРЕМЯ.
22.05 ҒАЛАБА БАҲОРИ. Ғалаба байрамига бағишланган кўрсатув.
23.05 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 17.20 Кўрсатувлар программаси. 17.25 «Бир қўғирчоқ тарихи». Мультфильм. 17.35 «Жаш киял». Мактаб ўқувчиларининг ветеранлар билан учрашуви. 18.20 «Теҳрон — Ялта — Потсдам». Ҳужжатли фильм. 18.50 «Мекеним — тинчлик бешиге». Телекомпозиция. 19.20 МЕЗГИЛ. 19.50 Москва. ФАШИЗМГА ҚАРШИ ЖАНГЛАРДА ҚУРБОН БЎЛГАНЛАРНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИ. Бир минутлик сукунат. 20.10 «ҲЕЧ КИМ ВА ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ. Ғалаба майдонидан репортаж. 20.35 «Ғалаба куни». Телефильм. 20.40 ҲЕЧ КИМ ВА ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ. Ғалаба майдонидан репортаж (рус.). 21.30 «Ветеранлар, Сизлар учун». Концерт. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 «Уруш бўлганди». Музикали кинокомпозиция. 22.50 «Қарши зарба». Бадиий фильм (рус.).

Якшанба

10 МАЙ.

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика.
8.30 ВРЕМЯ.
9.10 И. Осипова чалади (фортепьяно).
9.35 Ритмик гимнастика.
10.20 «Спортлото» тиражи.
10.35 БУДИЛЬНИК.
11.05 СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!
12.05 ТОНГГИ ПОЧТА. Музикали кўрсатув.
12.35 «ВАСИЛЬ БИКОВ. «КЎТАРИЛИШ». Ҳужжатли фильм премьераси («Беларусьфильм»).
13.25 МУЗИКАЛИ КИОСК.
13.55 ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ.
14.55 ЗДОРОВЬЕ.
15.40 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телевизион конкурси. Воронеждан кўрсатилади.
16.40 ИСТЕЪДОД. Телевизион журнал.
17.10 Чехословакиянинг миллий байрами — фашист босқинчиларидан озод қилинган кунга. ЧЕХОСЛОВАКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
18.10 БИЗНИНГ УЙ. Телевизион журнал.
18.55 ХАЛҚАРО ПАНОРАМА.
19.40 «Пўлат узук». Мультфильм.
19.55 МТ ЭКРАНИДА БИРИНЧИ МАРТА. «Парижда тинчлик мавсуми». Бадиий фильм (Югославия — Франция).
21.30 ВРЕМЯ.
22.05 «Янгра, гармонь!». Новосибирскдан кўрсатилади.
23.25 Тинчлик велопойгаси. ГДРдан кўрсатилади.
23.55 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Зарядкага сафланинг! 9.15 «ВАТАН МУДОФААСИНИ МУСТАҲКАМЛА». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»). 10.00 «Рус тили». 10.30 С. Прокофьев. Классик симфония. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун. 1-концерт. 11.10 «Палитра». Телевизион журнал. 12.05 «Овозга қўяман». Телевизион ҳужжатли фильм. Район комсомол ташкилотларида қайта қуриш жараёни ҳақида. 13.05 «Рўёбга чиққан орзулар». Мультфильм. 13.35 «ТОҒЛАРДА БИРИНЧИ МАРТА». Ҳужжатли фильм премьераси. 14.00 Ёшлар спектакллари III Бутуниттифоқ фестивали. Я. Пильдмя. «А» пунктидан «Б» пунктига саёҳат». Эстония ССР Вильяндэ шаҳри «Угала» драма театрининг фильм-спектакли. Тбилисидан олиб кўрсатилади. 16.00 ДУНЁ ВА ЁШЛАР. 16.35 «Кекса маёқ ҳақида ҳикоя». Мультфильм. 17.00 «Ер юзида севги мавжуд экан». Белоруссия ССРда хизмат кўрсатган артист Я. Евдокимов иштирокида фильм-концерт (Минск). 17.30 «Ўшанда мен йўқ дегандим». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 18.50 Духовой музикалар Бутуниттифоқ байрами. 19.55 «Биз қандай дам олаяпмиз». Коллекционерлик, дам олишнинг бир тури сифатида. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 Т. Шевченко номли Украина ССР Давлат академик опера ва балет театри балет артистларининг чиқиши. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Киев). 2-тайм. 22.45 «Дарахт ва атиргул ҳақида қисса». Бадиий фильм (ЧССР). 24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.05 Ритмик гимнастика.
7.30 «Май гулдастаси».
8.00 АХБОРОТ.
8.20 «Пўлат қирғоқлар». Ҳужжатли фильм.
8.30 Москва. ВРЕМЯ.
9.10 «Биргаликда куйлаймиз». Ш. Ёрматов, Ш. Дадаш. «Пионерман пионер».
9.35 «Эртакнинг эгаси». Ҳужжатли фильм.
9.55 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Синчалак». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
11.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
12.20 Ижодкор ёшлар учун. «Истеъдод». Мақомчилар республика конкурсининг лауреати М. Асадова.
12.45 «Интенсивлаш — беш йиллик шиори».
13.15 Шахмат мактаби.
13.45 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).
14.45 Фильмотека жавонидан. «Ноталарда Москва». Фильм-концерт.
17.30 Кўрсатувлар программаси.
17.35 «Тулки товуқлар билан дўстлашгани ҳақида». Мультфильм.
17.55 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». Республика областлари ва ҚҚАССР болалар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Қашқадарё области ёшлари.
18.55 «Фан уфқлари».
19.30 АХБОРОТ (рус.).
19.45 «Ўзбек халқининг фронтга мактуби». Кинокўрсатув (рус.).
20.30 АХБОРОТ.
20.50 Дам олиш концерти.
21.30 Москва. ВРЕМЯ.
22.05 Алп Жамол. «Мубтало». Телеспектакль.
23.45 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ: 18.05 «Бир бор экан, бир йўқ экан, асал ари бўлган экан». Мультфильм. 18.20 Реклама. Ҳар бир кишига ва барчага. 18.30 «Эгарда ўтган умр». Телефильм. 18.50 Телепочта. 19.30 НОВОСТИ. 19.45 Нодар Думбадзе. «Инсон». Теленовелла. 20.30 АХБОР. 20.45 Тожикистон ССР халқ артисти Зафар Нозимов ва Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Мастона Эргашева иштирокида концерт. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 «КВН-87». Тожикистон Давлат қишлоқ хўжалиги институти ва Ленинобод Давлат педагогика институти студентлари иштирок этадилар.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/V да **Олтин девор** (19.30), 2/V да **Куёв** (12.00), **Ойна** (19.30), 3/V да **Келинлар қўзғолони** (12.00), **Зебуннисо** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 1/V да **Музикали комедиялардан саҳналар** (19.30), 2/V да **Музикали комедиялардан саҳналар** (15, 19, 30), 3/V да **Мангулик**, 4/V да **Хотинимнинг эри.**

Кино

1 МАЙДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КИН-ДЗА-ДЗА» — **Санъат саройи** (16, 18.30, 20.45), Чайка (16, 18.30, 21.00).
«СЕВИМЛИ МАСХАРАБОЗИМ»—**Ватан** (16, 18, 21.30).
«ТРЕМБИТА»—**Нукус** (16.00), **Москва** (18.40).
«ОХИРГИ ВАГОНГА КИМ ЧИҚАДИ?» — **Нукус** (18, 20), **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (жуфт соатларда), **Дружба** [ҳар соатда].
«ЧАПАҚАЙ» — **Москва** (19.00).
«ПАНТЕРА»НИНГ УЧ КАРРА ҲАМЛАСИ»— **Восток** (жуфт соатларда).
«ТАВБА-ТАЗАРРУ»— **ВЛКСМ 30 йиллиги** (17, 20.00).
«ИБЛИС МАЛАЙЛАРИ» — **Қозоғистон** (17, 18, 20.00),
«ҚИШКИ ОЛЧА»— **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (19.00).
«КЕЧИР» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (17, 21.00),
«СОЛЯРИС»— **Лисунов номли** (17, 20.00).
«ЯГУАР»— **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).
«БОРИС ГОДУНОВ»— **Искра** (17.15).
«РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТОЖИ ЁКИ ЯНА ҚАСОСКОРЛАР» —**Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

2 МАЙДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КИН-ДЗА-ДЗА» — **Санъат саройи** (16, 18.30, 20.45), **Чайка** (16, 18.30, 21.00).
«СЕВИМЛИ МАСХАРАБОЗИМ»— **Ватан** (16, 18, 21.30),
«ТРЕМБИТА» —**Нукус** (16.00), **Москва** (17, 18.40).
«ОХИРГИ ВАГОНГА КИМ ЧИҚАДИ?» — **Нукус** (18, 20), **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (жуфт соатларда), **Дружба** (ҳар соатда).
«ЧАПАҚАЙ»—**Москва** (19.00).
«ПАНТЕРА»НИНГ УЧ КАРРА ҲАМЛАСИ» — **Восток** (жуфт соатларда).
«ТАВБА-ТАЗАРРУ»— **ВЛКСМ 30 йиллиги** (17, 20.00).
«ИБЛИС МАЛАЙЛАРИ» — **Қозоғистон** (17, 18, 20.00).
«ҚИШКИ ОЛЧА»— **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (19.00).
«КЕЧИР»— **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (17, 21.00).
«СОЛЯРИС»— **Лисунов номли** (17, 20.00).
«ЯГУАР» — **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).
«БОРИС ГОДУНОВ»— **Искра** (17.15).
«РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТОЖИ ЁКИ ЯНА ҚАСОСКОРЛАР» —**Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

3 МАЙДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КИН-ДЗА-ДЗА»— **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), **Чайка** (13.30, 16, 18.30, 21.00).
«СЕВИМЛИ МАСХАРАБОЗИМ»—**Ватан** (14, 16, 18, 21.30).
«ВИЙ» — **Чайка** (11.00).
«ЯККА СУЗИШ» (ўзбек тилида) — **Ватан** (12.00).
«ТРЕМБИТА»— **Нукус** (12, 16.00), **Москва** (13, 17, 18.40).
«ОХИРГИ ВАГОНГА КИМ ЧИҚАДИ?» — **Нукус** (11, 14, 18, 20.00), **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (жуфт соатларда), **Дружба** (ҳар соатда).
«ЧАПАҚАЙ» — **Москва** (11, 15, 19.00).
«ПАНТЕРА»НИНГ УЧ КАРРА ҲАМЛАСИ» — **Восток** (жуфт соатларда).
«ТАВБА-ТАЗАРРУ» —**ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 14, 17, 20.00).
«ИБЛИС МАЛАЙЛАРИ»—**Қозоғистон** (12, 14, 15, 17, 18, 20.00).
«ҚИШКИ ОЛЧА»— **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (12, 19.00).
«КЕЧИР» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (11, 15, 17, 21.00).
«СОЛЯРИС»— **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00).
«БОРИС ГОДУНОВ» — **Искра** (12, 14.30, 17.15).
«РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТОЖИ ЁКИ ЯНА ҚАСОСКОРЛАР» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Ўзбекистон Рассомлар союзининг
КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА
(Ленин проспекти, 40-уй)
Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб
РЕСПУБЛИКА КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛГАН.
БУ ЕРДА — ТАСВИРИЙ САНЪАТ, ГРАФИКА, ҲАЙКАЛТАРОШЛИК, ПЛАКАТ, ТЕАТР-ДЕКОРАЦИЯ ВА АМАЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК САНЪАТИ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАГА ҚЎЙИЛГАН.
Кўргазмалар зали ҳар куни соат 10 дан 19.00 гача очиқ, дам олиш куни —душанба.
Кўргазма 4 майга қадар давом этади.

ТОШКЕНТ оқшоми
Газета ўзбек ва рус тилларида мустақил бир йилда 300 марта чиқади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 11657. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 20.00 да қўл қўйилган (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Тиражи — 75.131. Б. 2115. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10. Индекс 64690.